Ушбу сонда:
2 ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИНИ ҚУТЛАЙМИЗ
3 TV — ДАСТУРИ
4 СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 5 июл, жума №107 (1324)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Тошкентдан Қорақалпоғистон Республикасига ўттиз беш миллион сўмлик инсонпарварлик юки ортилган «Экосан» саломатлик поезди жўнаб кетди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ишлаб чиқилган махсус дастур доирасида ташкил этилган мазкур юк озиқ-овқат, кийим-кечак, шифо воситалари, ичимлик сув, дизенфекцияловчи эритмалар, сув чиқариш насослари ва бошқа зарур жиҳозлардан иборат.

Ушбу хайрия ёрдами экология ва саломатлик кунларининг иккинчи босқичида ўтказилган шанбаликдан тушган маблағ ҳисобига уюштирилди. Ёрдам минтақанинг олис туманларида яшовчи кекса отахон ва онахонларга тарқатилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## МАТБУОТ ВА АХБОРОТ СОҲАСИДА БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ва «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ ҳамда мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида республика аҳолисининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолиятига доир конституциявий ҳуқуқлар ва қонунчиликнинг сўзсиз бажарилиши, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатлари таъминланиши мониторингини олиб бориш;

республика фуқароларининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, аҳолининг, аввало ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим, маънавий ва маданий савиясини ошириш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда оммавий ахборот воситаларини, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг миқёсда ривожлантиришга кўмаклашиш;

ноширлик ва матбаачилик фаолияти, оммавий ахборот воситалари, даврий нашрларни тарқатиш, шу жумладан, мазкур фаолият турларида рўйхатга олиш ишларини бажариш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш;

нашриётлар, оммавий ахборот воситалари, телевидение, радиоэшиттириш ҳамда республика ахборот бозорининг бошқа қатнашчилари томонидан ахборот соҳасида амалдаги қонунчиликка риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш;

ахборот тайёрлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш соҳасида республика фуқаролари ҳамда юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш;

ноширлик фаолиятини лицензиялашни ташкил қилиш;

ноширлик ва матбаачилик фаолиятида, даврий нашрларни тарқатишда ягона техникавий сиёсат ўтказиш;

реклама тайёрлаш, шунингдек уни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

ноширлик-матбаачилик фаолиятининг ишлаб чиқариш-техника базасини ривожлантириш ва янгилаш, стандартлаштириш ҳамда сертификациялаш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги этиб;

вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги матбуот ҳудудий бошқармалари тегишли равишда матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармалари этиб қайта ташкил қилинсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаси ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигига цензура, таҳрир қилиш, тақиқлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятига ўзгача тарзда ғайриқонуний аралашиш қатъиян ман этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигига матбуот ва ахборот соҳасидаги қонунчиликни бузувчи давлат бошқаруви органларига, жойлардаги ҳокимият органларига, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига ўз ваколати доирасида қонунчиликда белгиланган тартибда қарорлар (тақдимномалар) юбориш ҳуқуқи берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Агентликнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ва тақдимномалари вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, муассасалар ва ташкилотлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари ҳамда нашриётлар томонидан матбуот ва ахборот соҳасидаги қонунчилик мунтазам равишда бажарилмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги уларга берилган лицензия ҳамда рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини суд орқали тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда бир ой муддат ичида қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 июл





Ўзбекистон касаба уюшмалари Оролбўйи болаларининг ёзги соғломлаштириш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш юзасидан аниқ тадбирларни ҳамжиҳатликда, изчил амалга оширмоқдалар. Хусусан, уларнинг катта бир гуруҳи Тошкент шаҳридаги энг сўлим оромгоҳларда ёзги таътилни кўнгилдагидек ўтказишмоқда.

Куни-кеча қорақалпоғистонлик қатор ўғил ва қизлар пойтахтимизда илиқ кутиб олинди.

***Суратларда: Оролбўйи болалари Тошкентда.***

**Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар.**

## Хабарлар оқимидан

### «ОЛТИН БОШОҚ» ИШГА ТУШДИ

***Андижон вилоятидаги Ёрқишлоқда ишга туширилган болалар оромгоҳи уч юз нафар кичкинтойларни ўз бағрига олди.***

«Андижондонмаҳсулотлари» акциядорлик бирлашмаси ушбу соғломлаштириш оромгоҳининг қурилиш ва ободонлаштирилишига 25 миллион сўм маблағ сарфлади. Оромгоҳда спорт мажмуи, кутубхона, дискотека майдони, хиёбонлар қурилди. Ётоқ иншоотлари, ошхоналар бутунлай янгиланди.

— Илгарилари бу ерда ёзги оромгоҳ фаолият кўрсатган бўлиб, кейинги йилларда у ишламай қўйганди, - деди оромгоҳ раҳбари Муҳаммаджон Эшонбоев «Туркистон-пресс» мухбирига. - Бизлар бу ердаги иншоотларни тўла таъмирдан чиқариб, сув ва газ қувурлари тортдик. Эндиликда оромгоҳда икки сменада 600 бола ҳордиқ чиқаради.

### ҚИШЛОҚ ҚИЁФАСИ ЎЗГАРМОҚДА

***Олтинкўл тумани «Тошкент» ширкат хўжалигидаги Уйшин қишлоғига газ қувурлари ўтказилди.***

— Маблағлар пахта, ғалла, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича давлат буюртмаларини ортиғи билан бажариш ҳисобидан топиляпти, - деди ширкат хўжалиги раиси Козимжон Парпиев. - Ўтган йил якунларига кўра «Тошкент» ширкат хўжалиги жамоаси режадаги 164 миллион сўм ўрнига 254 миллион сўм даромад қилди.

К. Парпиев айтишича, олинган даромад ҳисобига иккита дала шийпони қурилди. Тез орада яна тўртта дала шийпони қуриб битказилади. Шунингдек, Уйшиндаги қишлоқ врачлик пунктини таъмирлаш ишларига ҳам 6 миллион сўм маблағ ажратилди.

### ШАҲАР ТЎЙГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРЯПТИ

***Шу кунларда Нукус ўзининг 70 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўряпти. Шаҳар кўча ва хиёбонлари ободонлаштирилиб, янги бинолар бунёд этилмоқда, эски иморатлар замонавий меъморчилик анъаналари асосида қайта таъмирланяпти.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ шаҳар юбилейи муносабати билан 1-республика касалхонаси ҳам реконструкция қилинмоқда. Бу ишни «Қорақалпоқфуқаросаноатқурилиши» акционерлик жамиятига қарашли 3-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари бажаряпти.

- Иншоотни тўла таъмирлаш учун 350 миллион сўм сарфланади. Шу пайтга қадар 80 миллион сўмлик иш бажардик, - дейди қурилиш участкаси бошлиғи Сабит Омонтулиев. - Бу ерда юздан зиёд қурувчи меҳнат қиляпти.

Шаҳар ҳокимлигининг коммунал қурилиш бош бошқармаси буюртмасига асосан қайта таъмирланаётган шифохонанинг томи янгиланиб, қурилиш деярли тугалланди. Тез кунларда пардозлаш ишлари бошланади.

### САХОВАТЛИ «КАМРАХ»

***Тошлоқ туманидаги «Камрах» фермер хўжалиги туман марказида ўз саховат уйини очди.***

Айни кунда саховат уйида ўттизга яқин ёлғиз, кам таъминланган кексалар ҳордиқ чиқариб, малакали врачлар ва ҳамширалар назорати остида саломатлигини тикламоқда. Бу ерда барча шарт-шароит мавжуд. Отахону онахонлар тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Дам олиш ва муолажа хоналари улар хизматида. Кексаларни мамлакатимиздаги санаторийларга юбориш билан боғлиқ харажатларни ҳам хўжалик ўз зиммасига олмоқда.

Фермер хўжалиги етти йил ичида тармоқни ривожлантиришга эришди. Ишни ўттиз бош қорамол ва 4 гектар экин майдони билан бошлаган фермер хўжалиги қарамоғидаги чорва моллари ва қўй-қўзилар сони бугун 1 минг 500 бошдан ошди. 100 гектар экин майдони бор. Буларнинг барчаси хўжалик истиқболи ва иқтисодиёти учун хизмат қилмоқда. Ўтган йилги фойдадан бир кеча-кундузда 9 минг литр сутни қайта ишлаш қувватига эга кичик сут заводи қурилди. Корхонада тайёрланаётган сут маҳсулотлари дастлаб саховат уйидаги нуроний кексалар дастурхонига тортиқ этилмоқда.

- Халқимизда «Қарини сийла, ўзинг ҳам қартаясан», деган ҳикмат бор, - дейди «Камрах» фермер хўжалиги раҳбари Раҳматилло Камолов. - Қарияларни қадрлаш йилида бу йилги даромадимизнинг асосий қисмини саховат уйидаги савобли ишларга сарфлашни режалаштирганмиз. Мақсадимиз - ҳаётининг куч-қувватга тўлиқ йилларини меҳнатга, фарзандлар тарбиясига бағишлаган, бугунга келиб турли сабабларга кўра ёлғиз бўлиб қолган, инсоний меҳр-мурувватга муҳтож кексалар дуосини олиш.

### ЮРТ БАХТИ

Хатирчи тумани марказидаги «Ёшлик» истироҳат боғида туман ёшларининг мустақиллигимизнинг 11 йиллигига бағишланган «Ёшлар - истиқлол таянчи, Ватан қувончи» деб номланган форуми бўлиб ўтди. Уни туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Фидокорлар миллий демократик партияси туман кенгаши ҳамкорликда ташкил этди. Умрини эл-юрт равнақи учун бағишлаган нуроний отахонлару онахонлар, жамоатчилик вакиллари форум қатнашчиларини самимий қутлади.

Форум қатнашчилари баркамол авлодни тарбиялаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, бу жараёнда ўсиб келаётган авлоднинг ўрни хусусида фикр алмашди. Спортнинг бир қанча турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Форум якунида истеъдодли хонандаларнинг концерт дастури намойиш этилди.

**ЎзА, «Туркистон-пресс» ва «Ишонч» мухбирлари.**

*Маошдан қарздорлик қаерда ва нима сабабдан юзага келмоқда?*

## НАЗАРДАН ҚОЛГАН КАСАБА УЮШМА

***Ранг кўру ҳол сўр, деган нақл бор. Автокорхонага қадам ранжида қилиб, ишловчиларга зимдан назар ташларканмиз, кўпчиликнинг кайфияти йўқлигини сездик. Баъзилар ҳатто саволимизга жавоб беришни ҳам исташмади.***

— Ажабланманг, биродар, - деди ҳайдовчилардан бири бизга далда бериб. - Яна ойлик маош кечикяпти. Ахир, иш ҳақи вақтида берилмаса, рўзғорда барака бўлмайди, турли муаммолар юзага келади, оилада гап-сўз кўпаяди...

Ҳа, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 3-автокорхона қийин дамларни бошдан кечирмоқда. Аввало кадрлар қўнимсизлиги юзага келган. Бир вақтлар бу ерда 300 дан ортиқ автомобил хизмат қиларди. Эндиликда ишга яроқли 89 та транспорт воситасидан ўрта ҳисобда 60 таси йўлга чиқяпти, холос.

Гап шундаки, автокорхона раҳбарияти, мутахассислари ўзларини бозор шароитида ишлашга тайёрлай олмадилар. Иқтисодиётни юксалтириш, тежамкорликни кучайтириш, техника воситаларини эҳтиёт қисмлар билан узлуксиз таъминлаш каби омиллардан унумли фойдаланилмади. Кичик бир муаммони ҳал этишда ҳам кимларнингдир ёрдамига кўз тикишди. Боқимандалик кайфияти, боз устига, муросасозлик охир-оқибат қимматга тушди. Дебиторлик қарз 31 миллион 131 минг сўмни, кредиторлик қарзи эса 1 миллион 694 минг сўмни ташкил этди. Устига устак, мавжуд автомобиллар тўла ишлатилмаганлиги муаммоларни болалатиб юборди. Ана энди ҳайдовчилар, хизматчилар жорий йилнинг апрел ойи учун амал-тақал қилиб маош олишяпти.

Ким билан фикрлашманг, корхона касаба уюшма қўмитаси ўз нуфузини йўқотганлиги, қўмита раиси номигагина фаолият юритаётганини таъкидлайди. Буни ҳужжатларнинг палапартишлиги, йиғилишлар расмиятчилик учунгина ўтказилаётгани, меъёрий ҳужжатларга амал қилинмаётганлигида ҳам кўриш мумкин. Масалан, жорий йилнинг 12 апрелида 5 нафар, 25 апрелда эса 2 нафар ҳайдовчини ишдан бўшатиш ҳақидаги маъмурият таклифи муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилган. Бироқ, қўмитанинг 9 аъзосидан уч киши қатнашган, холос.

— Ахир, қўмита аъзоларининг тегишли қисми ҳозир бўлган тақдирдагина йиғилишни ўтказиш мумкинлигини наҳотки билмасангиз, - дея касабақўм раиси Акбарали Ботировга юзланамиз.

У нима дейишини билмай, ерга қаради. Яна ажабланарлиси шуки, касабақўм аъзолари юқорида қайд этилган ишчиларни ўз вазифаларидан озод этиш ҳақидаги таклифни осонгина қўллаб-қувватлашган. Ахир, уларнинг ишдан кўнгли совиганлигининг, синиқ кайфиятда фаолият юритаётганлигининг ўзига хос сабаблари бор. Муҳит яхши бўлмаса, маош вақтида тўланмаса, ижтимоий ҳимоя, соғломлаштириш масалалари унутиб қўйилган бўлса, ходимдан қандай қилиб яхши натижалар талаб қилиш мумкин?! Бундай шароитда касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашлар манфаатининг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида бонг уриш, корхона раҳбарлари олдига ўринли ва адолатли таклифларни кўндаланг қўйиш ўрнига келишувчанлик йўлини тутган. Бу билан ўз обрўсини йўқотган, қўғирчоқ ташкилотга айланган.

Қаранг, 2001 йилда санаторийга бор-йўғи 1 та, 2002 йилнинг ўтган ярим йилида ҳам сиҳатгоҳга 1 дона йўлланма берилган, холос. Ёзги соғломлаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаганлиги боис, бажарилмай қоғозда қолди. 118 нафар ишловчининг фарзандидан биронтаси оромгоҳларга юборилмади.

Икки қаватли маъмурият биносида касабақўм учун бирон-бир хона ажратилмаган. Шу боис, ишчи-хизматчиларни қабул қилиш, улар билан суҳбатлашиш, йиғилиш ўтказиш учун ҳамиша жой ахтариб юришади. Ачинарлиси шуки, сўнгги ойларда кўпчилик корхона касаба уюшмаси, унинг раиси ҳамда қўмита аъзоларини сўрамай ҳам қўйишди...

**Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.**

# Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллиги олдидан

*СИРДАРЁ вилояти спортда ҳам ўзига хос мавқега эга. Бинобарин, мустақиллик йилларида мамлакатимиз спортчилари эришган улкан ғалабаларда ушбу воҳа вакилларининг муносиб ҳиссаси бор.*

*Кези келганда, вилоят касаба уюшмалари тасарруфидаги БЎСМлар, клуб ҳамда жамоалар оммавийлик йўли билан соғломлаштиришдан ташқари катта спорт майдонига иқтидорли ёшларни етказиб бериш ва тарбиялашдек муҳим вазифага масъулият билан ёндошаётганини таъкидлаш лозим.*

*Мазкур саҳифада вилоят касаба уюшма спорти одимлари ҳақида сўз юритилади.*

## РАҚАМЛАР КЎЗГУСИДА

** Вилоятда 14 та спорт-соғломлаштириш клуби фаолият юритмоқда.*

** 1615 та спорт иншооти, 1363 та майдонча, 11 та сузиш ҳавзаси, 14 та ўйингоҳ спорт ихлосмандлари ихтиёрига бериб қўйилган.*

** Спортнинг энг оммавий 39 тури бўйича республика терма жамоаларининг 14 тасига вилоят вакиллари қабул қилинган.*

** Ўтган йили 141 нафар спортчи чемпионлик шоҳсупасига кўтарилди.*

** Вилоят корхоналари, ташкилотлари ва федерациялар томонидан спорт тадбирлари ўтказиш учун 2001 йилда 7,3 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.*

** Аҳолига спорт иншоотлари ва жамиятлари томонидан 17,7 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди.*

# ҲАР МАҲАЛЛА

## машҳур спортчига эга

***Вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятларига қарашли 14 та спорт-соғломлаштириш клубида меҳнаткашлар фарзандлари жисмонан камолга етмоқдалар.***

Қувончлиси, ёшларимиз спорт нафақат жисмоний етукликка, балки маънавий камолотга етаклашини ҳам англаб етдилар. Шунинг учун спорт мажмуалари гавжум масканларга айланиб бормоқда. 230 га яқин жисмоний тарбия жамоалари ва спорт клубларида ўттиз мингдан ортиқ киши шуғулланмоқда. Барча қулайликларга эга 11 та стадион, 18 та спорт зали, 6 та сузиш ҳавзаси, 390 дан ортиқ майдончалар халқимиз хизматида.

Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли касаба уюшма спортчилари сони йилига ўрта ҳисобда 1,5-2 минг нафар кишига ошиб бормоқда. Касаба уюшмалари ташаббуси ва ҳомийлиги остида шаҳар, туман, қишлоқларда деярли ҳар куни қизиқарли беллашувлар ташкил этиш одат тусига айланаётир.

Спортга ошно қалбда ёвузлик, бадбинликка ўрин бўлмайди. Шу боис биз, энг аввало, ўсиб келаётган ёшларни спортга кўпроқ жалб этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Тасарруфимиздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, уларни спорт жиҳозлари, анжомлари билан таъминлаш, мураббийлар ва спортчиларни моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга ғоят жиддий эътибор бераётганимиз ҳам шу боис. Энг чаққон, кучли ва иқтидорли ёшларимиз тез фурсатда спорт устаси, усталикка номзод меъёрларини бажаришаётгани бизни қувонтирмоқда.

Спортнинг энг оммавий тури — футболни ривожлантиришга эса алоҳида эътибор қаратиб келаяпмиз. Вилоятдаги марказий «Гулистон» ўйингоҳи қайта таъмирланиб, ўн беш минг томошабинни ўз бағрига сиғдирадиган бўлди. Беш юз нафарга яқин ёш «чарм тўп» усталари таҳсил олаётган футбол мактаби ўқувчиларига ўйингоҳнинг катта ва кичик майдонларидан фойдаланиш имкони яратилган.

20 нафардан ортиқ малакали мураббийлар раҳбарлигидаги тарбияланувчиларимиз ёш футболчилар ўртасидаги мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб, устозлари ишончини оқлаб келишаяпти.

Сир эмас, узоқ йиллар Сирдарёдан чемпионлар қачон чиқади, деган таъна-дашномларни эшитишга тўғри келди. Ниҳоят, спорт заҳматкашлари орзусини шогирдлари бирин-кетин оқлай бошладилар. Армрестлинг бўйича жаҳон биринчилигининг икки карра ғолиби Умид Аҳмедов, чемпионларимиз — Жаҳонгир Кўчмуродов, Барно Болтабоева, Маматқул Хайлаев, Собир Умаров, Алишер Ортиқовлар бугун чўлқуварлар ифтихорига айланиб қолди. Юзлаб ёшлар улар изидан бориб, нуфузли мусобақаларда ғолибликка сазовор бўлишмоқда.

Вилоят касаба уюшмалари томонидан қишлоқ спортини ривожлантириш чора-тадбирлари ҳам кўрилаяпти. Бугун деярли ҳар бир маҳалла ўзининг машҳур спортчиларига эга. Уларга ҳомийликни тадбиркорлар, ишбилармонлар ўз зиммаларига олишмоқда.

Хуллас, вилоят спортининг эртанги кунидан кўнгил тўқ. Энг қувончлиси, юртимизда соҳа равнақига эътибор, рағбатнинг кучайтирилганидир.

**Воҳид ТУРДИЕВ,**
**вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раиси ўринбосари.**





# СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА



# ТАЭКВАНДОЧИЛАР

## Мирзаободда учрашдилар

***Спортчи йигит туман ҳокимлиги қабулхонасида пайдо бўлди. Маълум бўлишича, у шарқ якка кураши бўйича халқаро турнир ўтказиш таклифи билан келган экан. Очиғи, бу гапга биров ишонди, биров ишонмади. Йигит эса ўз сўзида туриб олди. Шу тариқа қўшни Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа республикалардан келган таэквандочилар илк бора Мирзаободда учрашдилар. Муросасиз баҳсларда Абдулла Кўчмуродов тарбиялаётган спортчилар — чўлқуварлар фарзандлари ёш мураббийлари юзини ерга қаратишмади.***

— Ишонч инсонга қанот экан, — дейди вилоят кикбоксинг федерацияси раҳбари Абдулла Кўчмуродов. — Ўша дамларда шаштимни қайтаришганида балки спортдан юз бурган бўлармидим. Туманда шарқ якка курашининг таэквандо ва кикбоксинг турлари ривожини кўриб ҳозир барча ҳаваcланади. Чунки бугун мирзаободликларнинг бу борада қўллари анча баланд.

От изини той босар, деганларидек, Абдулланинг бутун умиди иқтидорли шогирди Жаҳонгирдан эди. Ака-ука етти-саккиз чақирим йўлни ёзу қиш пиёда босиб, «Деҳқонобод» хўжалиги марказига қатнашдан эринмасдилар. Ниҳоят, Жаҳонгирдаги иқтидор бўй кўрсата бошлади. Туман ва вилоят мусобақаларида унга бас келадиган кикбоксингчи топилмади. Кетма-кет қўлга киритилган ғалабалардан сўнг Жаҳонгир республика миқёсидаги нуфузли беллашувда қатнашди. Иродали йигит муросасиз курашларда барча рақибларидан устун келди. Кейинги мамлакат чемпионатида ҳам у ўз вазни бўйича ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Ўтган йили Россиянинг Ялта шаҳрида бўлиб ўтган Евроосиё чемпионатига қизғин ҳозирлик кўрган Жаҳонгир Ғарб ва Шарқ полвонлари баҳсида ҳам рақибларини бирин-кетин енгиб, олтин медал соҳибига айланди.

Ёш Жаҳонгирнинг орзулари бисёр. У жаҳон узра юртимиз байроғини баланд кўтариб, она қишлоғига ёруғ юз билан қайтиш орзусида яшамоқда.

**Н.ФАХРИДДИНОВ.**





# Ҳакам Қ.ЙЎЛДОШЕВ: ЁШЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШАДИ

***Вилоят касаба уюшмалари кенгаши тасаррyфидаги спорт мактаби йигирма уч йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Ўтган давр мобайнида бу маскан кўплаб таниқли мураббий ва спорт усталарига ошён бўлди. Воҳа спортининг бешиги бўлмиш таълим масканида бугун нима гап? Мухбиримиз БЎСМ директори, футбол бўйича биринчи тоифали ҳакам Қаҳрамон Йўлдошев билан суҳбатда бўлди.***

**— Сизни кўпроқ яшил майдонларда учратишга одатланиб қолганмиз. Раҳбарлик ва ҳакамлик бир-бирини тўлдира оладими?**

— Биринчи тоифали ҳакам бўлганлигим боис олий ва биринчи лигада тўп сураётган футбол жамоалари баҳсларини бошқариб боришимга тўғри келади. Бу мураккаб вазифани имкон қадар одил бажаришга интиламан. Муҳими, ҳакам сифатида мамлакатимизнинг турли шаҳарларида бўлганимда илғор тажрибаларни ўрганишга ҳаракат қиламан. Очиғи, фаолиятимнинг илк босқичиданоқ болалар ва ўсмирлар спорт мактаби билан боғланиб яшайман.

Спортга чанқоқ ёшлар даврасида бўлиш, уларга маҳорат сирларини ўргатиш мароқли, албатта. Бутун умидимиз шогирдларимиздан. Уларга мактабимизда чиниқиб, ўз саломатликларини мустаҳкамлаш учун барча имкониятларни яратиб беришга интиламиз. Мақсад ва вазифамиз ҳам битта: соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш.

**— Ёшлар орасида истеъдодлар кўп. Лекин уларнинг бари ҳам чемпион бўлавермайди.**

— Тўғри айтасиз. Лекин биз барчага бир хилда муносабатда бўламиз. Мактабимизда тўққиз ёшдан ўн олти ёшгача бўлган 630 нафар бола бошланғич ўқув машғулотларида иштирок этади. Спорт жиҳозлари етарли. Тарбияланувчиларга 17 нафар мураббий устозлик қилиб келяпти. Уларнинг ҳар бири муайян спорт турларини мукаммал ўзлаштирган, айни чоғда ўз маҳоратини ўзгаларда шакллантиришга қодир мутахассислардир. Масалан, Дилшода Дадабоева, Владислав Козерина, Алишер Умаралиевлар баскетбол бўйича таҳсил олаётган қизларга устозлик қилишади. Шунингдек, вилоятимизнинг қатор спорт жамоалари мураббийларимиз раҳбарлигида мамлакат миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллаб келмоқда. Булар қаторига гандбол бўйича биринчи тоифали мураббий Евгений Пак, волейбол бўйича Ғафур Расулов, Неъмат Отабоевларни киритиш мумкин. Кўп йиллик тажриба мураббийлар мавқеини ошириб қолмасдан муносиб шогирдлар тайёрлаш имконини ҳам бермоқда. Бир сўз билан айтганда, спорт мактаби ҳақиқий фидойилар масканига айланган.

Ўрни келганида таъкидлаш жоиз: мактабимиз моддий таъминоти намунали ташкил этилган. Бу борада касаба уюшмалари вилоят кенгаши бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Спорт анжомлари сотиб олиш, ғолибларни тақдирлашда мунтазам амалий ёрдам кўрсатаётир. Бу эътиборга жавобан ёш спортчиларимиз мусобақаларда юқори ўринларни қўлга киритишга интилмоқда. Чунончи, ўтган йили баскетбол бўйича мамлакат биринчилиги баҳсларида қизлар жамоаси тўртинчи, гандболчи ўғил болалар жамоаси фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

**— Воҳа спорт шуҳратини оширишга собиқ ўқувчиларингиз ҳам ҳисса қўшаётгандир?**

— Албатта. Бир пайтлар шу даргоҳда таҳсил олган шогирдларимиз кўп. Ўнлаб собиқ ўқувчиларимиз олийгоҳларни тамомлаб, умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия фанидан сабоқ бериб келишаяпти. Уларни вилоятимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида учратиш мумкин. Воҳа фахрига айланган И.Дадабоев, Д.Караулов, В.Фаменколар ҳам бизнинг спорт мактабимизда илк сабоқларни олганлар. Айни дамда волейбол бўйича мамлакат биринчилигида иштирок этаётган вилоят терма жамоасининг аксарият волейболчилари, баскетбол ва гандболчилари тарбияланувчиларимиз эканлиги қалбимизда фахр туйғуларини уйғотади.

**Суҳбатдош:**
**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**



# ҒУРУР БИЛАН ЯШАСА ИНСОН

Кишини тинимсиз меҳнат, изланишлар элга танитади. Зотан, инсон ҳар ишга қодир. Иродани тоблаш, қийинчилик кўзига тик боқиш керак, холос. Буни ўз бошимдан кўп бора ўтказдим. Илк бор спорт кошонаси остонасига қадам қўйганимда орзуларим чарх уриб, юксак чўққилар кўз ўнгимда намоён бўлгандек эди. Қарангки, иштиёқ баланд бўлгач, киши сира чарчамаскан. Тинимсиз машқ қилдим, тинмай изландим...

Азалдан ота-боболаримиз билак кучи сеҳрини ҳис этиб келганлар. Мени ҳам ана шу пайдор билакларим дунёга танитди. Мана-ман деган полвонлар ҳам қаршимда юкинди. Илк бора чемпионликни қўлга киритганимда севинчдан кўзларим ёшланган эди. Ғолиблик тожини узоқ вақт қўлда тутиб туришга аҳд қилдим. Бироқ, жаҳоннинг энг сара армрестлингчилари билан курашиш осон кечмади. Шундай бўлса-да, юрт ишқини, ҳамюртларим менга умид ила кўз тикаётганлигини ҳар дақиқа дилдан ҳис этиб турдим. Иккинчи бора ҳам чемпионликни қўлга киритдим. Польшада бўлиб ўтган Жаҳон биринчилиги баҳсларида эса кумуш медал соҳибига айландим.

Спорт менинг ҳаётида жиддий бурилишлар ясади, кўплаб дўстлар орттирдим, дунё мамлакатларини кездим. Энг муҳими, ўзимни англадим. Бу орада бир қатор ёшларга мураббийлик қилиб улар қалбини спортга ошно эта олдим. Тан олиш лозим, мамлакатимизда, қолаверса, вилоятимизда спортни ривожлантириш учун ибратли ишлар қилинмоқда. Бугун ёшлар замонавий майдонларда, спорт залларида ўз моҳоратларини оширмоқда.

**Умиджон АҲМЕДОВ,**
**армреслинг бўйича икки карра жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси, касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти мураббийи.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси ва касаба уюшма қўмитаси «Бўстон» сиҳатгоҳи бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича муовини **Обиджон ЗУФАРОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.


ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.40

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134*

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Буюртма Г— 619. 1 2 3 4 5 6